



**Tadqiqot** UZ



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 NOYABR  
№34**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
7-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-7**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-7**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**

**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 52 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)





### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

<b>1. Г.Я.Самандарова</b> СОҒЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА .....	7
<b>2. Пиримкулов Ботир Фарходжон ўғли, Гизатулина Ольга Ивановна</b> «СТАНЦИОННЫЙ СМОТРИТЕЛЬ» А.С.ПУШКИНА. АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ, ОСВЕЩЕННОЙ В ПОВЕСТИ В НАСТОЯЩЕЕ ВРЕМЯ.....	9
<b>3. Mirzahmedova Oygul Abdirashidovna</b> ABU RAYHON BERUNIY ASARLARIDA AYRIM KOSMONIMLAR XUSUSIDA .....	12
<b>4. Namozova Munira Ismatovna</b> UMUMIY O`RTA TA`LIM MAKTABLARIDA ONA TILI FANINI O`QITISHDAGI MUAMMOLAR VA LINGVISTIK TAHLIL NAMUNALARI.....	14
<b>5. Абдуллаева Раъно Хикматовна</b> ЭСТЕТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ЦЕННОСТЕЙ В АКЦИОЛОГИЧЕСКИХ ПОСЛОВИЧНЫХ ДИАДАХ.....	16
<b>6. Асронова Мохигул Мусабоевна</b> ДИСКУРС ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР МЕТОДЛАР.....	18
<b>7. Mukumova Kamola Ravshanovna</b> INGLIZ TILI FANIDAN QO`SHIMCHA MASHG`ULOTLARDAN FOYDALANISH .....	20
<b>8. Abdulatif G`aniyev Hakimjonovich</b> TEACHING ENGLISH THROUGH GAMES .....	22
<b>9. Azizov Boxodir Olimjon o`g`li</b> LEARNING STRATEGIES IN TEACHING ENGLISH.....	24
<b>10. Eshkeldiyeva Movluda</b> SAID AHMADNING “UFQ” TRILOGIYASIDA YOSHLAR OBRAZI .....	26
<b>11. Ruzibayeva Nargis Rustamovna</b> O`ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN.....	28
<b>12. Rahmatullayev R</b> METHODS OF EXPRESSION OF PHRASEOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	30
<b>13. Rahmatullayev R</b> IMPORTANCE OF COMPOUND WORDS IN LITERATURE (IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES).....	31
<b>14. Raxmatov Sherali Abdulloyevich</b> “BOBURNOMA”DA SAMARQANDNING BETAKROR TAVSIFI.....	32
<b>15. To`rayev Alisher Xudaynazarovich</b> EFFECTIVE METHODS FOR TEACHING READING SKILLS.....	34
<b>16. Ubaydullayeva Manzura Payzullayevna</b> TEACHING GRAMMAR GAMES AT THE ENGLISH LESSONS .....	35
<b>17. Yarashev Oqilbek Xudayberdievich</b> THE USE OF COMMUNICATIVE GAMES IN ENGLISH CLASSES .....	37
<b>18. Rakhmanova Munira Ulugbekovna, Bobojanova Maxfuza Qalandarovna</b> ENGLISH LANGUAGE AND METHODS OF CONVERSION WORD FORMATION.....	39
<b>19. Санаева Зарина Собировна</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА .....	41
<b>20. Buriyeva Dilobar Sultonovna</b> TA`LIM TIZIMIGA MASOFAVIY TA`LIM TEXNOLOGIYALARINI TATBIQ QILISH.....	44
<b>21. Ибрагимов Мансур Мардонович</b> РЕСПУБЛИКАМИЗДА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	46
<b>22. Ибрагимов Мансур Мардонович</b> УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ .....	49



## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

### СОҒЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА

**Г.Я.Самандарова,**  
БухДУ ўзбек тилшунослиги  
кафедраси ўқитувчиси.  
gmaa916147@gmail.com  
+99893 471 7550

**Аннотация.** Мақола соғлом вужуд ҳақидаги қарашларни ўзида жамлаган халқ оғзаки ижодининг нодир намунаси ҳисобланмиш мақоллар таҳлилидан таркиб топган бўлиб, унда ҳар бир фолклор маҳсулининг маънолари алоҳида ёритилган.

**Калит сўзлар:** мақол, фольклор, маънавий мерос, ибратли сўз, халқ оғзаки ижоди, оталар сўзи.

Халқ – тарих ва маданиятни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи буюк куч. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воқеалар билан келажак авлодга мерос қилиб қолдиради.

Мақоллар асрлик тажрибаларни авлоддан авлодга етказувчи ана шундай бебаҳо мерос ҳисобланади. Тафаккурнинг бундай дурдоналарини халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб турли замон эврилишларидан эсон-омон олиб ўтган. Мақоллар ҳанузга қадар бугунги авлод учун ибрат, дастуриламал ва эстетик баҳра манбаи бўлиб келмоқда.

Халқ ҳаётий тажрибасидан келиб чиқадиган хулосаларнинг бадиий ифодаси бўлмиш мақоллар гарчи бир-икки лўнда жумлалар ё мисрала бўлса-да, уларнинг ҳар-бирига бутун бутун китобларга етадиган фикр ва туйғу жо қилинган.

«Мақол» арабча «сўз» деган маънони билдиради. Уни «оталар сўзи» ҳам дейдилар. Мақол ота-боболаримизнинг қадим-қадимлардан эскирмай, унутилмай ишлатилиб, узоқ йиллар давомида кўрган-кечирганлари, тажрибалари асосида келган хулоса сўзлардир.

Мақолларда фикр аниқ, хулоса тугал, ифода лўнда бўлиши лозим. Кимки мақолларни кўп ишлатса, унинг нутқини ширалаи дейдилар ва диққат билан эшитадилар. Шунинг учун мақоллар бадиий адабиётда ҳам, сўзлашувда ҳам кўп ишлатилади. Мақоллар ёрдамида катта фикрни оз шаклда, образли ифода этиш мумкин ва қулай.

Шундай асарлар борки, бошидан охиригача мақол билан ёзилган. Масалан, Гулханийнинг «Зарбулмасал» деб номланган асарида 400 дан ортиқ мақол ишлатилган.

Халқ мақоллари – бойлигимиз. Не-не даҳолар, буюк сиймолар юрти бўлмиш бу заминнинг ҳар қадамида бир ҳикмат, бир маъно яширин. Мақоллар аждодларимизнинг бизга қолдирган хазиналаридир. Уларни турли соҳа эгалари: хоҳ у ўқитувчи, шифокор, муҳандис, ҳайдовчи-ю уй бекаси бўлсин керакли ўринларда фойдаланишса, ҳар бир гапирган гапларининг салмоғи ошади, сермазмун, таъсирчан, кескир бўлади.

Мақолларда халқнинг тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти, умуман олганда, бутун борлиғи акс этади. Шунга кўра мақоллар мазмунига кўра хилма-хил бўлади. Масалан, ватан, меҳнат, дўстлик, ботирлик, саховат, адолат, саломатлик, тозаллик ва бошқалар ҳақида.

Мақоллар бирданига шу шаклга кирмаган, балки катта муддатларда тарашланган, бойитилган, ўзгартирилган ва ниҳоят қуйма шаклга кирган. Бу мўъжаз бадиий матнларда ҳар бир сўз, образ катта маъно ташийдди. Мақоллар таркибида бирор сўз беҳуда иштирок этмайди. Уларда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, маълум маънода ўз вазифаси бор. Яъни мақол таркибида айнан бир сўз муайян сюжетни юзага келтириши мумкин. Масалан:



*Бош омон бўлса, дўппи топилар.*

*Бош армони бўлмаса,*

*Мол армони армонмас*

каби пурҳикмат мисраларни ўқир эканмиз, мақолларда бадиий моҳиятни юзага келтириш, асосий мазмунни ташиш учун хизмат қилаётган сўз «бош» эканлиги яққол кўзга ташланади. Бу икки мақолнинг маънолари бир-бирига яқин. Иккаласида ҳам соғлиқнинг бойликдан устун эканлиги акс эттирилган. Мана шу жиҳатига кўра улар маъновий умумийлик ҳосил қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, асосий маъно «бош» сўзи орқали ифодаланган. Бу мақолларда «соғлиқ» сўзининг «бош» билан алмашинганлиги оддий тасодиф эмас. Бунинг замирида ҳам халқимизнинг узоқ йиллик тажрибалари, илм-зиёси ва маърифат оташининг ёлқинлари кўзга ташланади; айти пайтда бу сўз маъноси кўчишининг ўзига хос мураккаб тури – метонимиядир. Таъкидлаш жоизки, мақолларда метафора, метонимия, синекдоха каби маъно кўчишларидан халқимиз маҳорат ила фойдалана олган. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг донолиги, ақлу заковатидан далолатдир.

Мақол ибратли сўздир. У фикрнинг тушунарли бўлишини осонлаштиради, унга ўзгача жило бахш этади. Фикрни ёрқин, таъсирчан, сермазмун қилади.

*Мол кетсин, пул кетсин,*

*Эсон-соғлиққа не етсин.*

*Оч бўл, яланғоч бўл, саломат бўл.*

*Омон бўлсанг, олам сеники.*

Дарҳақиқат, соғлиқ ҳар қандай бойликдан аъло, унинг баҳоси бебаҳо. Усиз дунё-дунё олтин, кумуш, гавҳарларнинг заррача ҳам қиймати йўқ. Зотан, соғлиқни ҳеч қандай нарсага қийслаб бўлмайди. Шу сабаб ҳам халқимиз мақолларида бу мавзу етакчилик қилади.

*Бойликнинг боши – соғлиқ.*

*Саломатлик – туман бойлик.*

*Соғлиқда хўрлик йўқ.*

*Соғ юрак – тоғ юрак.*

*Тан саломати – жон роҳати.*

*Соғлигинг – бойлигинг.*

*Соғлиқ умрнинг гарови.*

*Соғ ақл – бол ақл.*

Инсон ана шундай пурҳикмат мисраларни ўқир экан, соғлиқнинг кадри, унинг қимматини яна бир бор англагандек бўлади. Шу ўринда халқимиз мақоллар ёрдамида қай жиҳати биландир, маълум бир маънода шифокорлик вазифасини ўтаган бўлади. Зеро, шифокорлар ўзларининг илмлари, касб маҳоратлари билан инсонлар дардига дармон бўлсалар, зукко халқимиз эса бой тарихий тажрибалари асосида пурмаъно мақоллари билан инсон соғлиги ҳақида қайғурадилар.

Хуллас, мақоллар уммонида беназир маъно ҳазиналари мужассам. Уларни ўқир эканмиз, камалакдек сержило маъно товланишларини ўқиб борганимиз сари закий ва донишманд аждодларимизга таҳсинлар ўқиймиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Соатов Б.А. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс... канд. фил. наук. Ташкент, 1990. С. 20.
2. Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент: Фан, 1988. 280 б.
3. Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг бадиий тили ҳақида: Фил. фан. номз. дис. автореф. Тошкент, 1949.
4. [www.qomus.uz](http://www.qomus.uz)